

**ЭРИХ ФРОММ ЭКЗИСТЕНЦИАЛ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН
ҚАЛБИНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК ВА БУЗГУНЧИЛИККА МОЙИЛЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

Иномжон Абобакир ўғли АСАТУЛЛОЕВ

доцент
фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Эрих Фромм экзистенциал фалсафасида инсон қалбининг яратувчилиқ ва бузғунчилиққа мойиллиги таҳлил қилинган. Шунингдек, унда қалб истаклари, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка мойиллиги, мазохизм, садизм ва некрофилия тенденцияларининг намоён бўлиши ҳамда шакллантирувчи омиллари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: экзистенция, қалб, жон, рух, руҳий қувват, инсон қалби, маънавий-руҳий олам, руҳият, фалсафий антропология.

**АНАЛИЗ СКЛОННОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ ДУШИ К СОЗИДАНИЮ
И РАЗРУШЕНИЮ В ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНОЙ ФИЛОСОФИИ ЭРИХА
ФРОММА**

Иномжон Абобакир углы АСАТУЛЛОЕВ

доцент
доктор философии (PhD) по философским наукам
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется тенденция человеческой души к созиданию и разрушению в экзистенциальной философии Эриха Фромма. В статье также раскрываются желания души, склонности человека к добру и злу, проявления наклонностей мазохизма, садизма и некрофилии, а также факторы, их формирующие.

Ключевые слова: бытие, сердце, душа, дух, духовная сила, человеческое сердце, духовно-психологический мир, духовность, философская антропология.

Эрих Фромм фалсафий антропологиясида инсон табиати ва характери шакллантирувчи асослар тадқиқи билан бирга, қалб истаклари, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка мойиллиги, мазохизм, садизм ва некрофилия тенденцияларининг намоён бўлиши ҳамда шакллантирувчи омиллари таҳлил қилинади. Мутафаккир инсонлардаги ҳукмронликка интилишни ёки бўйсунишга мойилликни – садизм ва мазохизм тенденциялари орқали, ҳаётга

муҳаббат ва нафратни некрофилия ҳамда биофилия тенденциялари орқали очиб беради. Ушбу категорияларни бирма-бир кўриб чиқиш инсон қалбини тушунишга, унинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Мутафаккир карашларида инсон қалбидаги бўйсунувчанлик, қарамликка мойиллик мазохизм тушунчаси орқали ёритилади. Мазохистик тенденция – бу инсон ўзининг номукаммаллиги, кучсизлиги ва ҳеч нима эмаслигини ҳис этишидир. Эрих Фромм мазохист инсон хусусиятларини ташқи кучларга: бошқа одамларга, қандайдир ташкилотга, табиатга қарамлик сифатида баҳолайди. Инсонларда мазохистлик ҳолати уларнинг ўз хоҳишларига кўра эмас, балки ташқи ҳаққоний ва тасаввурий буйруқларга асосланган ҳолда келиб чиқади. Кўпинча улар «ўзлигини йўқотган» бўлади ва «Мен»ига эга бўлмайди. Умуман олганда, улар ҳаётга худди бир кучли, бошқариб бўлмайдиган нарса каби қарайди.

Инсон қалбининг ҳукмронлик истаги, бошқаларни эзиш ва камситиш орқали лаззатланиш майли садизм дейилади. Мазохистик хусусиятга қарама-қарши ҳолат садизм ҳисобланади.

Эрих Фромм садистик тенденциянинг 3 типини кўрсатади: «биринчиси, бошқа одамларни ўзига қарам қилиш ва уларни хоҳлаганча бошқариш; иккинчиси, одамлар устидан мутлақ ҳукмронлик ўрнатибгина қолмай, уларни эксплуатация қилиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Эгалик қилиш ҳисси бошқаларни моддий бойликларинигина эмас, ахлоқий ва интеллектуал сифатларига ҳам қаратилган бўлади; учинчиси, бошқа одамларни азоблаш ва уларни қийналаётганлигини кўришда намоён бўлади» [9;123–124]. Файласуф садизмнинг келиб чиқиши жинсий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ эмаслигини илгари суради. Бу мойилликни нафақат жинсий алоқада, балки бошқа табиий алоқаларда ҳам кузатиш мумкин. Инсон бошқа бир мавжудотни назорат қилишни, азоблашни истайди ва бу унинг яширин хоҳиши ҳисобланади. «Садизмнинг моҳияти тирик мавжудот устидан чинакам ва чексиз ҳукмронликка эга бўлишдир. Биров ўзини ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлмаса, унга оғриқ ва таҳқир етказиш мутлақ

устунликка эга бўлади» [5;58]. Фроммгача садизм ва мазохизм жинсий алоқа аномалиялари феномени сифатида кўрилган. Олим хулоса қиладики, «садизм (ва мазохизм) жинсий зўравонлик сифатида бу улкан соҳанинг фақат кичик қисмини ифодалайди, бу ходисалар жинсий алоқа билан боғлиқ эмас. Жинсий бўлмаган садистликда одам – ожиз ва ҳимоясиз мавжудотни (инсонни ёки ҳайвонни) топади ва унга жисмоний азоб беради, ҳатто уни ҳаётдан маҳрум қилишга уринади» [5;61]. Жамиятда ўз ўрнини топа олмаган ёки болаликдан истаклари бостирилган инсон оила аъзоларига ёки бошқаларга садистик муносабатда бўлади.

Мазохистик ва садистик мойилликлар бошқалар тўғрисида ҳаддан ташқари ғамхўрлик қилиш ва меҳрибонлик қилиш каби ниқоблар билан яширинган бўлади. Мазохистнинг қарамлиги очик ойдин кўринса, садистга ўзига тегишли одам керак, зеро, у ўзининг кучли деб ҳис этиши унинг кимнидир хўжайини эканлигига асосланади. Аслида одамлар ўз ҳукмронлиги остидаги инсонларга ҳамма нарсани – меҳр-муҳаббат, эътибор, ҳурматни бериши мумкин, фақат бир нарасани – озодлик ва мустақиллик ҳуқуқини бермайди. Ушбу ҳолатларни ота-оналарнинг фарзандлари билан бўлган муносабатларида ҳам учратиш мумкин.

Америкалик олим характернинг мазохистик белгилари ва тегишли бузуқлик қардан келиб чиқади, деган савол қўяди. Яъни, ҳам мазохистик, ҳам садистик майлларнинг умумий белгилари нималардан иборат? Унинг фикрича, ҳам мазохистик, ҳам садистик интилишлар индивидга ёлғизлик ва кучсизликнинг чидаб бўлмайдиган уқубатларидан халос бўлишга кўмаклашади. Мазохистлар устида олиб борилган психоналитик кузатишлар уларда ёлғизлик даҳшати ва ўз ожизлигини ҳис этиш кучайиб боришини намоён қилади. Эрих Фромм фикрига кўра, «мазохизмда индивид ёлғизлик ва ҳақирлик (ҳечлик)нинг чидаб бўлмас ҳисси туфайли ҳаракатга келади. У психологик маънодаги ўз «Мен»идан воз кечиб, бу ҳисни бартараф этмоқчи бўлади; бунинг учун ўзини камситади, азоб чекади ва ўзини ҳаддан ташқари ҳақирликка олиб боради. Бироқ оғриқ ва изтироб – асло у интилаётган нарса

эмас; оғриқ ва изтироб – бу баҳо бўлиб, у ана шу баҳони анланмаган умидда, анланмаган мақсадга эришиш учун тўлайди. Бу жуда оғир баҳо; ўзини азобга тикаётган бу тўловчига яна ва яна кўпроқ тўлашга тўғри келади; у ҳеч қачон тўлаганлари эвазига ички олами ва хотиржамликка эриша олмайди» [5; 131–132]. Демак, инсон қалбидаги сиқилган истаклар ва унинг тадрижий давоми инсонда янгича характерни шакллантиради.

Кўпчилик, мазохистик ҳодисани муҳаббатнинг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди. Бошқалар учун ўзидан тўла воз кечиш, унинг манфаатлари йўлида ўз ҳуқуқ ва истакларидан воз кечиш – ана шуларнинг ҳаммасини «буюк муҳаббат»нинг намунаси қилиб кўрсатадилар; муҳаббат учун энг яхши исбот ўзинг севган одам учун ўзингни қурбон қилиш ва ўзлигингдан воз кечишга тайёр туриш, деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, бу фикр нотўғри. Чунки муҳаббат икки инсоннинг мустақиллиги ва мукамаллиги асосидаги иттифоқ бўлиб, у тенглик ва озодликка асосланади. Бундай вазиятда мазохизм ва муҳаббатни бир-бирига қарама-қарши эканлиги келиб чиқади.

Мазохист сифат инсонлар бошқа инсонга, тузилмага, Худога бўйсунушга интилади, бу билан ёлғизликдан қутулишни истайди. Садист, аксинча, ҳукмронликка интилиб, ўз ҳукми ва иродасини бошқага ўтказишни истайди. Бундай носоғломликнинг яққол намоёни ўзига маҳлиёликка олиб келади, бунда у одамларга қўшилиш ўрнига, аксинча, ички субъектив дунёга берилади. «Хавотир ва ожизлик, кўрқув ва тушкунлик ҳолати бирданига жоҳилликка айланиб, бузғунчиликни келтириб чиқаради, яъни бегона, душман дунёни яксон қилиш истаги туғилади. Мурасасоз инсон тўдага сингиб кетишни истайди, шахсизликда эриб кетади, шундай ҳолда ёлғизлик ва юқори ҳавфнинг «ноқулай» ҳолатидан қочади» [6;112]. Демак, жамиятимиздаги инсонларнинг ҳокимият истаги, бошқарувга ўчликда ҳам хавотир ва ожизлик ҳолатидаги бузғунчилик акс этади.

Эрих Фромм азобдан ҳузурланишнинг тез-тез учрайдиган шакли – бу шахсий тўлиқсизлик, ожизлик, тубанлик ҳиссиёти деб ҳисоблайди. Бу ҳиссиётлар – ўз камчилиги ва ожизлигини оддийгина англашнинг ўзи эмас.

Бундай инсонлар доимо ташқи дунёга муҳтожликларини яққол намоён қилади. «Улар фаолликни хоҳламайди, яъни ўзлари истаган нарсани қилмайди, балки ҳақиқий ёки ҳаётий бўлган ташқи кучларнинг буйруғига бўйсунди, одатда, одамлар «мен хоҳлайман» ёки ўз шахсий «Мен»ининг ҳиссиётини синаб кўришга қодир эмас. Улар, умуман, ҳаётни енгиб бўлмайдиган бошқариб бўлмайдиган, оғир куч сифатида ҳис қилади» [6;113]. Бундай мазохистик характерни шакллантирувчи муҳит шахсий «Мен»ни ўлдиради ва шахсий тўлиқсизликни юзага келтиради.

«Мазохистча анъаналар мазмунсиз бўлиб, ғайриақлий хусусиятга эга. Лекин кўп ҳолларда бу ақлга мувофиқ деб қабул қилинади, шунда мазохистча одатлар муҳаббат ёки садоқат никобида рўёбга чиқади, номукаммаллик комплекси ҳақиқий камчиликларни англаш ўрнини қоплайди, изтироб чекиш ўзгармас шароитга юкланади. Мазохистча анъананинг қарама-қарши томони – садистлик (шафқатсиз)дир. У кучли ёки кучсиз тарзда намоён бўлади, тўлиқ ёки қисман англанади, лекин бу ҳолнинг умуман бўлмаслиги жуда кам учрайди. Изтироб чекиш жисмоний бўлиши мумкин, лекин кўп ҳолда – бу руҳий ҳолатдир. Камситиш, қўрқитиш яширин ҳолда бировнинг камситилганини, қўркувини кузатиш», [3;197] олим фикрича, бу интилишнинг мақсади ҳисобланади. Садистик ва мазохистик тенденциялар инсоннинг руҳий ҳолати ҳисобланиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга зўраки интилишни англатади.

Садистик ва мазохистик характер таҳлил қилинганидан сўнг, авторитар характер тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин авторитар характернинг таҳлилидан олдин «авторитет», «ҳокимият» тушунчаларига аниқлик киритиш керак бўлади. Эрих Фромм ҳокимиятни ички ва ташқи ҳокимиятга ажратиб, ички ҳокимият бурч, виждон сифатида намоён бўлишини таъкидлайди ва виждон ҳақида шундай ёзади. «Виждон ташқи ҳокимиятга қараганда шафқатсизроқ бошқаради, яна бунинг устига, виждон буйруқларининг мазмуни кўпинча инсоний қадр-қимматга нисбатан ахлоқий нормаларнинг талабларига мутлақо мос келмайди» [8;141–142].

Виждон ўзининг каттиққўллиги билан ташқи ҳокимиятдан ўзиб кетиши мумкин: ахир, инсон виждон буйруқларини ўзининг буйруқлари сифатида ҳис этади-ку! У қандай қилиб ўзига қарши бора олади? Бугунги кунга келиб, «виждон» кўп жиҳатдан ўз салмоғини йўқотди. Ҳар бир одам агар бошқа одамларнинг қонуний ҳуқуқини бузмаса, мутлақо эркин. У авторитар ҳокимиятнинг муҳим хусусияти сифатида ҳокимият ва кучга бўлган муносабатни келтиради. Унинг фикрича, куч автоматик равишда муҳаббатни вижудга келтиради. Куч уни куч ортида турган кадриятлар туфайли эмас, балки ўз-ўзидан, куч бўлгани учун жалб этади. Эрих Фромм фикрича, «ҳокимиятга ташналик куч билан эмас, балки ожизлик билан боғлиқдир. Ҳокимият кимнидир устидан ҳукмронлик қилиш бўлса, куч ўзгаришлар қилишга қодир бўлиш деганидир. Агар инсон кучли экан, яъни ўз шахсининг озодлиги ва яхлитлиги асосида ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга қодир экан, унга одамлар устидан ҳукмронлик қилишнинг кераги йўқ ва у ҳокимиятга интилмайдир» [8;138]. Шундай экан, жамиятимиз инсонларида ҳокимиятга эгаликни эмас, кучга эгаликни кадрлашни ўргатишимиз керак. Чунки ҳукмронлик – ожизлик, куч – қодирликни англатади.

Фромм фалсафасига кўра, ҳар қандай неврознинг моҳиятини худди нормал ривожланиш сингари озодлик ва мустақиллик учун кураш ташкил этади. Жуда кўплаб нормал одамлар учун бу кураш ортда қолган: бу кураш тўла таслим бўлиш билан якун топган; улар ўз шахсини қурбон қилиб, яхши мослашиб олдилар ва нормал одамлар ҳисобланадилар. Невротик – бу тўла бўйсунушга қаршилиқ кўрсатишни давом эттираётган, неврозни ички бартараф этиб бўлмайдиган қарамлик билан озодликка интилиш ўртасидаги конфликтни ҳал этишга самарасиз уринаётган киши сифатида тушуниш мумкин» [8;160–161]. Инсон қалбидаги тўла бўйсунушга қаршилиқ унда невротик ҳолатни келтириб чиқаради.

Инсон ҳаётини ҳалокатга бошловчи ёвузлик манбаи бўлган майллар мавжуд ва уларга некрофилия ва нарцицизм киради. Эрих Фромм вайронкорликни яратувчи ушбу майллар устидаги изланишлари асосида улар

келтириб чиқарадиган хасталиклар ва ҳолатларни таҳлил қилади. Вайронакорлик ҳисси ҳаётга нисбатан қарашга ва ўзини тутишга асосланган икки қарама-қаршилиқ ҳолатида: некрофилия ва биофилияда намоён бўлади. Биофилнинг ички дунёсида ҳаётга муҳаббат асосий маънога эга бўлади. Бундай одамнинг дунёқараши механикликка умуман қарама-қарши, унинг учун асосий мазмун бу функционал органик дунёқараш: яъни у ҳаётдаги ҳамма нарсани боғлиқ бўлмаган механик бирлик сифатида эмас, умумий боғлиқ бўлган бирлик сифатида кўради [2;59]. Мутафаккирнинг некрофилия тенденцияси тадқиқи испан олими Унамуно томонидан айtilган «Яшасин ўлим!» шиорига асосланади. Бу шиор орқали инсондаги некрофил ҳолатнинг моҳиятига кириб бориш мумкин. Инсондаги рухий ва ахлоқий хатти-ҳаракатлардан биофилия ва некрофилия ўртасида жуда катта тафовут йўқлиги келиб чиқади. Бир инсон тамоман биофил ёки тамоман некрофил бўлмайди. Кўпчилик инсонларда иккала майл ҳам, яъни биофиллик ҳам, некрофиллик ҳам мавжуд бўлади. Инсонда иккала майлдан бирининг аниқ мавжудлиги ёки йўқлиги эмас, балки инсоний муносабатларда қай бирининг кўпроқ намоён бўлиши аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Эрих Фроммнинг биофилия ва некрофилия тенденциялари таҳлили Фрейднинг яшаш ва ўлим инстинкти билан ўхшаш ҳамда фарқли томонлари мавжуд эканлигини кўрсатади. Мутафаккир некрофилияни шакллантирган ижтимоий шартларга тўхталиб, инсоният нима учун ядровий уруш ёқасига келиб қолганлиги масаласини қўяди. Унинг фикрича, тарихда жуда кўплаб урушлар бўлган, лекин босқинчиликка қарши ҳимояланиш, иқтисодий тақчиллик, озодликка интилиш, шон-шуҳрат истаги, фаровон яшаш умиди каби сабаблар ядровий уруш учун етарли бўла олмайди. Ядровий уруш бир неча дақиқаларда инсониятнинг йўқ бўлиб кетиш хавфини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
2. Агапов П.В. Эрих Фромм о человеческой агрессивности и деструктивности: опыт философско-антропологического анализа. // Вестник МГУКИ, 2012. – № 6 (50). – С.59.
3. Рузматова Г. Руҳият таҳлили фалсафаси. –Тошкент: Нишон-ношир, 2014. – 197 б.
4. Тўлаганова С. Руҳ ва адабиёт // Тафаккур журнали, 2018. – №.1. – Б.78-79.
5. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности / Э. Фромм. – Москва: Республика, 1994.
6. Фромм Э. Бегство от свободы. – Москва: Прогресс, 1990. – 112 с.
7. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. –Тошкент: Тафаккур, 2016.
8. Fromm E.Özgürlükten kaçış. – Ankara: Teknografik Matbaası, 1996. – S.123-124.